

## Филиалда магистратура имтиҳонлари бошланди

Бугун 16-августдан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Қарши филиалида магистратура босқичига рўйхатдан ўтган абитуриентлар учун имтиҳонлар бошланди. Магистратура абитуриентлари тест синовларига фақат фуқаролик паспорти ва имтиҳонда қатнашиш учун махсус рухсатнома билан киритилмоқда. Рухсатномани <http://magistr.edu.uz> ва <http://ruxsatnoma.edu.uz/> манзили орқали юклаб олиш имконияти яратилган.



Барча карантин талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда, жараёнларнинг тартибли ва адолатли ўтиши таъминланган. Магистратура имтиҳонлари 6 та йўналишда бўлиб ўтади. Ушбу йўналишларга 169 та нафарга яқин абитуриент рўйхатдан ўтган. Имтиҳонлари 16-18 август кунлари филиал Бош биносида бўлиб ўтади. Магистратура ва ижодий имтиҳон жараёнларини онлайн кузатуви : <https://imtihon.edu.uz/Qashqadaryo/50>



**Қарши филиали матбуот хизмати Фаррух Нажимов ахбороти**